

Биринчи Президентимиз хотираси ёд этилди



Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз ҳайкалига гул қўйди.

Бу марҳум йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат, халқларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ифодаси бўлди.

Шунинг билан Туркменистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Тошкент халқаро аэропортида Гурбангули Бердимухамедовни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.





Манба